

**ТОШКЕНТ АХБОРОТ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ УНИВЕРСИТЕТИ
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМий ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.27.06.2017.Т.07.01 РАҚАМЛИ ИЛМий КЕНГАШ
АСОСИДАГИ БИР МАРТАЛИК ИЛМий КЕНГАШ**

**МУҲАММАД АЛ-ХОРАЗМий НОМИДАГИ ТОШКЕНТ АХБОРОТ
ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ
АХБОРОТ-КОММУНИКАЦИЯ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ
ИЛМий-ИННОВАЦИОН МАРКАЗИ**

МАМАТОВ НАРЗИЛО СОЛИДЖОНОВИЧ

**МАЪЛУМОТЛАРГА ДАСТЛАБКИ ИШЛОВ БЕРИШ УСУЛ ВА
АЛГОРИТМЛАРИ**

05.01.03 – Информатиканинг назарий асослари

**ТЕХНИКА ФАНЛАРИ ДОКТОРИ (DSc)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент – 2018

Докторлик (DSc) диссертацияси автореферати мундарижаси

Оглавление автореферата докторской (DSc) диссертации

Contents of the Doctoral (DSc) Dissertation Abstract

Маматов Нарзилло Солидждонович

Маълумотларга дастлабки ишлов бериш усул ва алгоритмлари.....3

Маматов Нарзилло Солидждонович

Методы и алгоритмы предварительной обработки данных.....29

Mamatov Narzillo Solidjonovich

Methods and algorithms for preliminary data processing55

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ

List of published works.....59

**ТОШКЕНТ АХБОРОТ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ УНИВЕРСИТЕТИ
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.27.06.2017.Т.07.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ
АСОСИДАГИ БИР МАРТАЛИК ИЛМИЙ КЕНГАШ**

**МУҲАММАД АЛ-ХОРАЗМИЙ НОМИДАГИ ТОШКЕНТ АХБОРОТ
ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ
АХБОРОТ-КОММУНИКАЦИЯ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ
ИЛМИЙ-ИННОВАЦИОН МАРКАЗИ**

МАМАТОВ НАРЗИЛЛО СОЛИДЖОНОВИЧ

**МАЪЛУМОТЛАРГА ДАСТЛАБКИ ИШЛОВ БЕРИШ УСУЛ ВА
АЛГОРИТМЛАРИ**

05.01.03 – Информатиканинг назарий асослари

**ТЕХНИКА ФАНЛАРИ ДОКТОРИ (DSc)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент – 2018

Техника фанлари бўйича фан доктори (DSc) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2017.2.DSc/T86 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Тошкент ахборот технологиялари университети ҳузуридаги ахборот-коммуникация технологиялари илмий-инновацион марказида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифасида (www.tuit.uz) ва «Ziyonet» Ахборот таълим порталида (www.ziyonet.uz) жойлаштирилган.

Илмий маслаҳатчи:

Фозилов Шавкат Хайруллаевич
техника фанлари доктори, профессор

Расмий оппонентлар:

Кобулов Анвар Василович
техника фанлари доктори, профессор

Рустамов Насим Тулагенович
техника фанлари доктори, профессор (Қозоғистон)

Нурмухамедов Толаниддин Рамзиддинович
техника фанлари доктори

Етакчи ташкилот:

Тошкент давлат техника университети

Диссертация ҳимояси Тошкент ахборот технологиялари университети ҳузуридаги DSc.27.06.2017.T.07.01 рақамли Илмий кенгашнинг 2018 йил «___» _____ соат ___ даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 100202, Тошкент шаҳри, Амир Темур кўчаси, 108-уй. Тел.: (99871) 238-64-43, факс: (99871) 238-65-52, e-mail: tuit@tuit.uz).

Диссертация билан Тошкент ахборот технологиялари университети Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (___ рақам билан рўйхатга олинган). (Манзил: 100202, Тошкент шаҳри, Амир Темур кўчаси, 108-уй. Тел.: (99871) 238-65-44).

Диссертация автореферати 2018 йил «___» _____ куни тарқатилди.
(2018 йил «___» _____ даги ___ рақамли реестр баённомаси.)

Р.Ҳ.Ҳамдамов
Илмий даражалар берувчи илмий
кенгаш раиси, т.ф.д., профессор

Ф.М.Нуралиев
Илмий даражалар берувчи илмий
кенгаш илмий котиби, т.ф.д.

М.М.Қамилов
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш
кошидаги илмий семинар раиси, т.ф.д., академик

КИРИШ (фан доктори (DSc) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Жаҳонда ахборотнинг компьютерли таҳлили, маълумотларни таснифий қайта ишлаш ва тимсолларни таниб олиш усуллари ишлаб чиқишга катта эътибор қаратилмоқда. Ушбу йўналишларда таниб олиш ва тавсифлаш тизимлари, техник ташхислаш, робототехник тизимлар, материалшунослик, технологик жараёнлар, саноат объектларини бошқариш каби техник ва саноат иловаларини ишлаб чиқиш муҳим масалаларидан бири бўлиб қолмоқда. Ҳозирги кунда таниб олиш ва таснифлашнинг детерминлашган, эҳтимолий, мантиқий, тузилмавий каби кўплаб усуллари ишлаб чиқилган. Хорижий мамлакатларда, жумладан АҚШ, Германия, Россия, Хитой, Япония, Жанубий Корея ва бошқа мамлакатларда тимсолларни таниб олиш ва таснифлаш тизимларини назарий ва амалий масалаларини ечишга катта эътибор қаратилмоқда.

Жаҳонда объект, ҳодиса ва жараёнларни бошқариш, башоратлаш, идентификациялаш масалаларини ечишга йўналтирилган ва таниб олиш алгоритмларига асосланган сунъий интеллект тизимларини яратишга қаратилган кенг қамровли илмий тадқиқотлар олиб борилмоқда. Бу борада, жумладан, маълумотлардаги бўшлиқларни тўлдириш, ҳалақит ва сакрашларни бартараф этиш, ўзгарувчилар типларини унификациялаш усул ва алгоритмларини такомиллаштириш, маълумотларга дастлабки ишлов бериш ва қайта ишлаш усуллари ишлаб чиқиш, объектларни информатив таснифлаш, таниб олиш, информатив белгиларни танлаш, ноинформатив белгиларни аниқлаш усул ва алгоритмларини яратиш муҳим вазифалардан ҳисобланади.

Республикамизда иқтисодий, ижтимоий, халқ хўжалиги ва бошқа соҳаларда корпоратив бошқаришга ахборот-коммуникация технологиялари қўлланилмоқда. Ушбу йўналишда маълумотларга дастлабки ишлов бериш ва компьютерли таҳлил қилишга, жумладан, объект, ҳодиса ва жараёнларнинг информатив таснифини шакллантириш усул ва алгоритмларини ишлаб чиқишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегиясида, жумладан «... корпоратив бошқарувнинг замонавий стандарт ва усуллари жорий этиш, ... иқтисодиёт, ижтимоий соҳа, бошқарув тизимида ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиш»¹ вазифалари белгиланган. Мазкур вазифаларни амалга ошириш, жумладан, тимсолларни таниб олиш усулларида фойдаланиб қарор қабул қилишни қўллаб-қувватлаш тизимларини яратиш муҳим масалалардан бири ҳисобланади. Бу борада, қарор қабул қилишда фойдаланиладиган бошланғич маълумотларга дастлабки ишлов бериш усуллари такомиллаштириш муҳим аҳамият касб этади.

¹Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги Фармони

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Харажатлар стратегияси тўғрисида”ги, 2017 йил 29 ноябрдаги ПФ-5264-сон “Ўзбекистон Республикаси инновацион ривожлантириш вазирлигини ташкил этиш тўғрисидаги” Фармонлари, 2012 йил 21 мартдаги ПҚ-1730-сон «Замонавий ахборот-коммуникация технологияларини янада жорий этиш ва ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги, 2014 йил 3 апрелдаги ПҚ-2158-сон «Ахборот-коммуникация технологияларини иктисодиётнинг реал секторига янада жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги, 2017 йил 18 апрелдаги ПҚ-2898-сон «Ички ишлар органларининг жиноятларни тергов қилиш соҳасидаги фаолиятини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Қарорлари ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялар ривожланишининг IV. «Ахборотлаштириш ва ахборот-коммуникация технологиялари ривожлантириш» устувор йўналиши доирасида бажарилган.

Диссертация мавзуси бўйича хорижий илмий-тадқиқотлар шарҳи². Тимсолларни таниб олиш тизимларини яратиш ва усулларини ишлаб чиқиш ҳамда тадқиқ қилинаётган объектлар информатив тавсифини шакллантиришга қаратилган кенг қамровли илмий тадқиқотлар жаҳоннинг етакчи илмий марказлари ва олий таълим муассасалари, жумладан Carnegie Mellon University, University of California, Department of Electrical and Computer Engineering University of Texas (АҚШ), Darmstadt University of Applied Sciences (Германия), Attar Software Ltd (Буюк Британия), SIPINA, University of Lyon (Франция), Izmir University (Туркия), Institute of Cybernetics of National Academy of Sciences of Ukraine (Украина), United Institute of Informatics Problems, Belarusian State University of Informatics and Radioelectronics (Белоруссия), Azerbaijan Association of Zadeh’s Legacy, Department of EECS, Department of Business Administration (Озарбайжон), Россия Фанлар Академиясининг Ҳисоблаш маркази, Ахборотларни узатиш муаммолари институти, Санкт-Петербург информатика ва автоматлаштириш институти, Москва Давлат Университети, Амалий математика институти, Томск Давлат Университети (Россия Федерацияси), Автоматлаштириш институти (Хитой), Tokyo Institute of Technology (Япония), Ўзбекистон Миллий университети (Ўзбекистон) кенг қамровли илмий тадқиқот ишлари олиб борилмоқда.

Маълумотларга дастлабки ишлов бериш, тимсолларни аниқлаш

²Диссертация мавзуси бўйича илмий тадқиқотлар шарҳи <https://elibrary.ru/item.asp?id=21681096>, <https://studfiles.net/1376730/>, <https://cyberleninka.ru/.../obzor-metodov-raspoznavaniya-simvolov>, <http://intellect-tver.ru/?p=165>, <http://www.nickart.spb.ru/analysis/market.php>, <http://www.cedar.buffalo.edu/~srihari/CSE555/>, <https://www.ibm.com/developerworks/ru/library/ba-data-mining-techniques/index.html>, www.open.edu/openlearn-create/mod/resource/view.php?id, <http://ieeexplore.ieee.org/document/824819/> ва бошқа манбалар асосида ишлаб чиқилган.

усуллари ва алгоритмларини яратиш ҳамда таниб олиш ва тавсифлаш тизимларини такомиллаштиришга оид жаҳонда олиб борилган тадқиқотлар натижасида қатор, жумладан қуйидаги илмий натижалар олинган: маълумотлардаги халақитларни бартараф этиш усул ва алгоритмлари яратилган (Международная академия информатизации, Россия Федерацияси; Stanford University, АҚШ; Transport and telecommunication institute, Латвия); маълумотларни силлиқлаш ва филтрлаш усуллари ва алгоритмлари ишлаб чиқилган (Massachusetts Institute of Technology, International Institute of Forecasters, АҚШ; Центральный экономико-математический институт, Россия Федерацияси); объектни характерловчи белгиларни бир хил типга ўтказиш усул ва алгоритмлари ишлаб чиқилган (Московский государственный технический университет имени Н.Э.Баумана, Санкт-Петербургский институт информатики и автоматизации, Россия Федерацияси); белгилар фазосининг ўлчамини камайтириш усуллари ва алгоритмлари ишлаб чиқилган (Институт проблем управления, Россия Федерацияси; Bell Labs, АҚШ; NEC Labs, Япония); нутқни таниб олиш учун дастурий таъминот яратилган (Nuance Communications, Google, АҚШ; Yandex, Россия Федерацияси); шахсни таниб олиш тизимлари яратилган (Kairos, Англия; NVIDIA, Microsoft, АҚШ); матнни таниб олиш тизимлари яратилган (АВВУУ, Россия Федерацияси).

Дунёда маълумотларни таҳлил қилиш ва тимсолларни таниб олиш усул ва алгоритмларини такомиллаштириш ва янгиларини яратиш бўйича қатор, жумладан қуйидаги устувор йўналишларда тадқиқотлар олиб борилмоқда: дастлабки ахборотнинг ўта чекланган ҳажмида ишловчи ва таниб олиш тизимлари интеллектуаллигини таъминловчи усул ва алгоритмлар ишлаб чиқиш; катта ўлчамли белгилар фазосида таниб олиш усул ва алгоритмларини ишлаб чиқиш; тасвирлардаги объектларни аниқлаш усул ва алгоритмлар ишлаб чиқиш; кирувчи ахборотнинг интеграциялашган қайта ишлашини таъминлаб, “юмшоқ” ҳисоблашлар технологияларидан фойдаланган ҳолда нутқ, матн, шахсни идентификация қилиш каби тизимларини яратиш.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Маълумотларни таҳлил қилиш, хусусан тимсолларни таниб олиш масалаларида белгилар фазоси ўлчамини камайтиришнинг илмий асослари С.А.Айвазян, Б.Н.Адасовский, В.В.Александров, С.В.Абламейко, В.И.Васильев, Н.Д.Горский, Н.Г.Загоруйко, Г.С.Лбов, Н.А.Игнатъев, Ш.Ю.Радис, В.В.Старовойтов, I.Marill, D.M.Green ва бошқа олимлар томонидан яратилган ва уларнинг ишларида баён этилган. Ю.И.Журавлев, М.М.Камилов, З.Т.Адылова, Р.А.Лутфуллаев, Ш.Е.Тулягановларнинг ишларида дастлабки белгининг муҳимлик ўлчови хоссалари тадқиқ этилган, бунда белгининг муҳимлик ўлчови белгини олиб ташлашда тегишли равишда қайта ишланган “овозлар” деб аталувчиларни камайтириш даражасини ифодалайди. Ушбу ўлчов усул муаллифлари томонидан белгининг ахборот оғирлиги деб аталган.

А.Л.Горелик, Г.И.Кутин, К.А.Чепонис, Д.А.Жвинерайте, Б.С.Бусыгин, Л.В.Мирошниченко, R.Fisher каби олимларнинг ишлари белгилар

информативлигининг эвристик мезонлари тадқиқи ҳамда бу мезонлар асосида объектларнинг информатив тавсифини шакллантиришга мўлжалланган танлов усулларини ишлаб чиқишга бағишланган. Кейинчалик бу ёндошув М.М.Камилов, Ш.Х.Фозилов, А.Х.Нишанов томонидан ривожлантирилган бўлиб, уларнинг ишларида информатив белгилар мажмуасини аниқлашнинг қидирув усуллари таклиф этилган ва белгиларнинг ℓ -информатив вектори тушунчаси киритилган. Р.Ҳамдамовнинг ишларида Фишер эвристик информативлик мезони асосида информатив белгиларни аниқлашнинг аналитик усуллари биринчилардан бўлиб таклиф этилган.

Тимсолларни таниб олишда белгилар фазоси ўлчамини камайтириш масаласини ечиш билан боғлиқ тадқиқотларнинг деярли барчаси ҳал этиладиган масала учун энг мақбул мезон ва усул жуфтлигини танлашга келтирилади, яъни ҳисоблаш сарф-харажатлари кам ва таниб олиш сифати юқори бўлган мезон ва усул жуфтлигини танлаш талаб этилади. Бунда белгилар информативлигининг кенг тарқалган мезонларига мос математик асосланган усулларни яратиш муаммоси долзарб бўлиб, ҳозирги кунда етарли даражада ўрганилмаган.

Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган илмий-тадқиқот муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқотлари Ахборот-коммуникация технологиялари илмий-инновацион маркази илмий тадқиқот режасининг ФА-А17-Ф010: «Шахсни биометрик идентификация қилишнинг кўп поғонали тизимининг алгоритмик ва дастурий таъминотини ишлаб чиқиш» (2009-2011); А5-ФА-Ф022: «Биометрик ечимларнинг гибрид алгоритмлари ва дастурий таъминотини ишлаб чиқиш ва амалиётда қўллаш» (2012-2014); А5-003: «Кўллёзма матнларини таҳлил қилиш тизимининг алгоритмик таъминотини яратиш ва амалда қўллаш» (2015-2017); БВ-М-Ф4-003: «Белгиларнинг ўзаро боғлиқликларини баҳолашга асосланган таниб олиш операторларини синтез қилиш усуллари» (2017-2020) мавзулардаги лойиҳалари доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади эвристик информативлик мезонларининг хусусий ва умумий кўринишларидан фойдаланган ҳолда объектлар информатив тавсифини шакллантиришнинг усул ва алгоритмларини ишлаб чиқишдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

белгилар информативлиги ва ноинформативлигининг эвристик мезонларини ишлаб чиқиш ҳамда уларнинг самарадорликларини баҳолаш;

информатив ва ноинформатив белгилар мажмуасини аниқлаш усулларини яратишда фойдаланиладиган Фишер информативлик мезонлари хусусиятларини аниқлаш;

ягона информативлик мезонидан фойдаланиб, информатив ва ноинформатив белгилар мажмуасини аниқлаш усул ва алгоритмларини яратиш;

бир жинсли нолинчи ва k -тартибли умумлашган информативлик

мезонларидан фойдаланиб информатив ҳамда ноинформатив белгилар мажмуасини аниқлаш усул ва алгоритмларини ишлаб чиқиш;

аралаш типли информативлик мезонларидан фойдаланиб информатив ва ноинформатив белгилар мажмуасини аниқлаш усул ва алгоритмларини ишлаб чиқиш;

эвристик мезонлардан фойдаланиб бошланғич белгилар тўпламини информатив, кам информатив ва ноинформатив гуруҳларга ажратиш қоидасини яратиш;

информатив ва ноинформатив белгиларни аниқлашнинг ишлаб чиқилган усулларини алгоритмик ва дастурий таъминотини яратиш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида қийматлари “объект-хосса” жадвали кўринишда берилган объектларнинг (жараёнлар, ҳодисалар, воқеалар) белгилари (хоссалари, параметрлари, характеристикалари) олинган.

Тадқиқотнинг предмети информатив белгилар мажмуасини шакллантиришда фойдаланиладиган эвристик мезонлар, усуллар ва алгоритмлардан иборат.

Тадқиқотнинг усуллари. Ишнинг назарий тадқиқотлари математик анализ, дискрет математика ва тимсолларни аниқлаш усулларига асосланган, информатив белгилар фазосини шакллантириш ва бу фазода номаълум объектларни таниб олишнинг компьютерли моделдан тажрибалар асоси сифатида фойдаланилган ҳамда тадқиқ қилинган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

белгилар информативлиги ва ноинформативлигининг эвристик мезонлари ишлаб чиқилган;

информатив ва ноинформатив белгилар мажмуасини аниқлаш усулларини яратишда фойдаланиладиган Фишер информативлик мезонларининг информативлик хусусиятлари аниқланган;

ягона информативлик мезонидан фойдаланиб, информатив ва ноинформатив белгилар мажмуасини аниқлаш усули компактлик гипотезаси асосида такомиллаштирилган ва алгоритмлари яратилган;

бир жинсли нолинчи ва k -тартибли умумлашган информативлик мезонлари асосида информатив ҳамда ноинформатив белгилар мажмуасини аниқлаш усуллари ва алгоритмлари ишлаб чиқилган;

информатив ва ноинформатив белгилар мажмуасини аниқлаш усуллари аралаш типли информативлик мезонлари асосида такомиллаштирилган ва алгоритмлари ишлаб чиқилган;

эвристик мезонлар асосида бошланғич белгилар тўпламини информатив, кам информатив ва ноинформатив гуруҳларга ажратиш қоидаси яратилган.

Тадқиқотнинг амалий натижаси қуйидагилардан иборат:

нисбатан кам сарф-ҳаражатларда олинган натижалар тўла танлов усули натижалари билан мос тушадиган информатив ва ноинформатив белгилар мажмуасини аниқлашнинг қидирув усуллари ва алгоритмлари ишлаб чиқилган;

Энг мақбул «мезон-усул» жуфтлигини танлашни сезиларли

камайтирадиган эвристик информативлик мезонининг ҳар бир кўриниши учун информатив ва ноинформатив белгилар мажмуасини аниқлашнинг мос усули ва алгоритми ишлаб чиқилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги. Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги белгилар фазоси ўлчамини камайтириш масаласи кўйилиши корректлиги дискрет оптимизация масаласи каби қатъий математик исботланган теорема ва леммалар кўринишидаги ҳисоблашлар, шунингдек ишлаб чиқилган усул ва алгоритмларнинг тажриба синовларида ҳамда модел ва реал масалаларда олинган натижаларни солиштириш билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти объект, ҳодиса ва жараёнларнинг информатив таснифини шакллантиришда эвристик информативлик мезонлари асосида белгилар фазоси ўлчамини камайтиришнинг қатъий математик усулларини ишлаб чиқиш орқали тимсолларни таниб олиш назариясини ривожлантиришга хизмат қилади. Ишлаб чиқилган усул ва алгоритмлар таниб олиш ва тавсифлаш тизимлари, техник ташхислаш, робототехник тизимлар, материалшунослик, технологик жараёнлар, саноат объектларини бошқариш каби техник ва саноат иловаларни яратишда кенг кўламда қўлланилиши билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти ишлаб чиқилган алгоритмлар ва дастурий таъминотни лойиҳалаш ва яратиладиган турли замонавий таниб олиш тизимларининг (нутқ, матн, шахсни таниб олиш ва шу кабилар) ишчи белгилар луғатини шакллантириш билан изоҳланади. Тадқиқот натижаларини кўллаш объект, ҳодиса ва жараёнларнинг информатив таснифи орқали идентификациялаш, таснифлаш ва таниб олишга сарфланадиган ресурсларни қисқартириш имконини беради.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Маълумотларга дастлабки ишлов бериш алгоритмлари ва усуллари асосида яратилган дастурий таъминот асосида:

датчиклардан олинган маълумотлар базасини яратиш, сақлаш, қайта ишлаш, дастлабки ишлов бериш ҳамда информатив таснифлаш алгоритмлари асосида яратилган дастурий мажмуа Навоий тоғ-металлургия комбинати марказий кон бошқармасига жорий қилинган (Ахборот технологиялари ва коммуникацияларни ривожлантириш вазирлигининг 2017 йил 21 декабрдаги 33-8/8663-сон маълумотномаси). Илмий тадқиқот натижасида КНК-270 комплексини ишлаш жараёнидаги хавфли ҳолатларни аниқлаш тезлигини ошириш асосида мазкур комплексни ишчи ҳолатда бўлмаслигини 10%га қисқартириш имконини берган;

нутқ сигналларига дастлабки ишлов бериш ва филтрлаш орқали нутқ сигналлари сифатини ошириш, информатив ва ноинформатив белгиларни танлаш алгоритмлари Ўзбекистон Республикаси ички ишлар вазирлиги тергов департаментига жорий қилинган (Ахборот технологиялари ва коммуникацияларни ривожлантириш вазирлигининг 2017 йил 21 декабрдаги 33-8/8663-сон маълумотномаси). Илмий тадқиқот натижасида нутқ сигналларини матнга ўтказиш вақтини 20%га қисқартириш имконини берган;

ходимлар ҳақидаги маълумотларга дастлабки ишлов бериш, қайта ишлаш, интеллектуал таҳлил қилиш ҳамда эвристик мезонлар асосида тегишли таклифларни шакллантириш алгоритмлари Олий ва ўрта таълим вазирлигининг “Электрон вазирлик” ахборот тизимига жорий қилинган (Ахборот технологиялари ва коммуникацияларни ривожлантириш вазирлигининг 2017 йил 21 декабрдаги 33-8/8663-сон маълумотномаси). Илмий тадқиқот натижасида кадрлар модули орқали Олий таълим муассасалари профессор-ўқитувчилари ҳақидаги маълумотларни қайта ишлашда ва тегишли таклифларни шакллантириш жараёни самарадорлигини 2 баробар ошириш имконини берган;

ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлар маълумотлар базасини шакллантириш, дастлабки ишлов бериш ва асосий кўрсаткичларини аниқлаш дастурий воситаси “INTERVETFARM” МЧЖга жорий қилинган (Ахборот технологиялари ва коммуникацияларни ривожлантириш вазирлигининг 2017 йил 21 декабрдаги 33-8/8663-сон маълумотномаси). Илмий тадқиқот натижасида маҳсулот сифат назоратига сарфланадиган вақтни 20%га қисқартириш имконини берган;

тасвирларга дастлабки ишлов бериш, силлиқлаш, филтрлаш, турли халақитдан тозалаш орқали контур чизиқларини юқори аниқликда ифодалаш алгоритмлари “Inter sharm plast” МЧЖга жорий қилинган (Ахборот технологиялари ва коммуникацияларни ривожлантириш вазирлигининг 2017 йил 21 декабрдаги 33-8/8663-сон маълумотномаси). Илмий тадқиқот натижасида яратилган дастур контур чизиқларидан ажратиб олинган асосий (информатив) нуқталар асосида шакллантирилган махсус кодли (Gkod) файл орқали станок ишлатилганда бир метр куб хом ашёдан маҳсулот ишлаб чиқариш учун кетадиган вақт 15%га қисқартириш, хом ашёни эса ўртача 20%га тежаш ва ишлаб чиқариш самарадорлиги ўртача 1,2 марта ошириш имконини берган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқотнинг назарий ва амалий натижалари 7 та халқаро ва 20 та республика илмий-амалий анжуманларида маъруза қилинган ва муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилиниши. Диссертация мавзуси бўйича жами 43 та илмий иш эълон қилинган. Жумладан, 1 та монография, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 14 та мақола, жумладан, 11 таси республика ва 3 таси хорижий журналларда нашр этилган.

Диссертациянинг ҳажми ва тузилиши. Диссертация тузилиши кириш, бешта боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловадан иборат. Диссертациянинг ҳажми 175 бетни ташкил этган.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида ўтказилган тадқиқотларнинг долзарблиги асослаб берилган, тадқиқотнинг мақсад ва вазифалари, объекти ва предмети белгилаб берилган. Ўзбекистон Республикаси фан ва технологияларининг устувор йўналишларига тадқиқотнинг мослиги кўрсатилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари кўрсатиб ўтилган, олинган натижаларнинг назарий ва амалий аҳамияти очиб берилган, тадқиқот натижаларининг амалиётга татбиқи, ишнинг синов натижалари, нашр этилган ишлар ва диссертация тузилмаси тўғрисидаги маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг **“Маълумотларга дастлабки ишлов бериш муаммолари”** деб номланган биринчи бобда дастлабки маълумотлардаги турли хил бўшлиқлар, халақит ва сакрашларни бартараф этиш орқали ушбу маълумотлар сифатини яхшилаш ҳамда ўзгарувчилар типларини унификациялаш, яъни турли типли шкалаларда ўлчанадиган ўзгарувчиларни ягона типли шкалада ўлчашга келтириш масалалари таҳлил қилинган.

Бўшлиқлар, халақит ёки сакрашларга эга бўлган маълумотлар паст сифатли маълумотлардир.

Маълумотлар тўлиқ бўлмаганда асосий статистик характеристикалар (масалан, математик кутилма ёки дисперсия)нинг ўзгариши бўшлиқлар сонига тўғри пропорционал ўсганлиги сабаб, уларга математик усулларни тадбиқ этиш мураккаблашади.

Бугунги кунда ноаниқ маълумотлардаги муаммоларни ҳал этишнинг кўплаб усуллари мавжуд. Диссертация ишида кенг тарқалган усуллар батафсил таҳлил этилган, жумладан, дастлабки танланмадан тўлиқ бўлмаган объектларни чиқариб ташлаш усули, устуннинг ўртача қиймати билан бўшлиқларни тўлдириш усули, сплайн-интерполяция усули, ZET алгоритми, RESAMPLING усули ва бошқалар.

Ушбу бобда сакраш ва халақитли маълумотларни таҳлил қилиш муаммоларини ҳал қилишда фойдаланиладиган силлиқлаш ва филтрлашнинг энг кенг тарқалган усуллари кўриб чиқилган.

Агар тажрибавий кузатиш натижалари турли типли белгилар қийматлари билан ифодаланган бўлса, у ҳолда бундай маълумотлар турли типли дейилади.

Турли типли кўрсаткичларнинг биргаликдаги таҳлил қилиш имкониятини мавжуд эмаслиги тажрибавий маълумотларни айрим синфлари умуман қайта ишланмаслиги ва турли типли белгиларнинг ажраган таҳлилидан олинган натижалар эса тадқиқ қилинаётган ҳодисанинг ички боғланишлари хилма-хиллигини акс эттира олмаслиги мумкин ва шунинг учун бундай ёндошувлар амалий қизиқиш касб этмайди.

Кўрсатилган муаммоларни ечишнинг муҳим ёндошувларидан бири бу номиқдор ўзгарувчиларни рақамлаштириш ғоясига асосланган. Мазкур ғоянинг мазмуни сифат ва номинал белгилар градациясига ҳақиқий сонли қийматларни (сонли меткаларни) қўшиб ёзишдан иборат. Бундай ёндошувнинг афзаллиги турли типли маълумотларга сонли ахборотларни

таҳлил қилишнинг кўплаб математик усуллари тадбиқ этиш имконини беришидадир.

Дастлабки ишлов бериш босқичида маълумотлар сифатини яхшилаш ва ўзгарувчилар типини бир хиллаштириш масаласини ечиш билан бир қаторда ноинформатив белгиларни чиқариб ташлаш ҳисобига тадқиқ қилинаётган объект тавсифи фазоси ўлчамини камайтириш зарурияти пайдо бўлади. Бу зарурият айниқса таснифлаш масалалари учун муҳим, чунки айнан бир хил объект танланмасининг ифодаланиш даражаси белгилар фазоси ўлчамига тесқари пропорционалдир. Кичик ҳажмли ўқув танланма ҳолатида ноинформатив белгиларнинг мавжудлиги маълумотларни қайта ишлаш сифатини ёмонлаштириши мумкин.

1.2-параграфда келтирилган таснифлаш масалаларида белгилар фазоси ўлчамини камайтириш муаммосини шакллантириш шуни кўрсатадики, маълумотлар таҳлили масалаларида, хусусан таснифлаш масаласида дастлабки белгилар фазоси ўлчамини камайтириш моҳиятига кўра дастлабки белгилар $x = (x^1, x^2, \dots, x^N)$ тизимдан аввалгисига қараганда камроқ ($\ell < N$) белгиларни ўз ичига олган янги $z = (z^1, z^2, \dots, z^\ell)$ тизимга ўтишдир.

Одатда оптималлаштириш масаласини ечиш орқали янги белгилар дастлабки белгилардан функция кўринишидаги янги белгилар шакллантирилади, яъни $z = F(x)$.

Бунда шундай z белгилар тизимини топиш керакки, бу белгилар тизими учун қуйидаги тенглик бажарилсин

$$I(\tilde{z}) = \max_{F \in \Omega} \{I(z)\} \quad (1)$$

бу ерда $I(z)$ - ℓ -ўлчовли z белгилар тизимининг берилган информативлик ўлчови, F -дастлабки x^1, x^2, \dots, x^N белгиларни мумкин бўлган алмаштиришлар синфи, у умумий ҳолда ночизиқли, дискрет, узлуксиз ёки мантиқий алмаштириш турларидан бири орқали тақдим этилиши мумкин. $I(z)$ -информативлик ўлчови ва мумкин бўлган F алмаштиришлар синфини аниқ танлови ўлчамни камайтиришнинг аниқ бир усулига олиб келади.

Шундай қилиб, дастлабки белгилар фазоси ўлчамини камайтиришни N -ўлчовли x векторни ℓ -ўлчовли z векторга акслантириш каби талқин қилиш мумкин, буни умумий ҳолда $z = F(x)$ кўринишида ифодалаш мумкин, бунда F -мумкин бўлган алмаштириш, $\ell \leq N$.

Одатда дастлабки белгилар фазосида алмаштиришнинг икки усулидан фойдаланилади.

Алмаштиришнинг биринчи усулини қуйидаги функциялар системаси кўринишида ифодалаш мумкин

$$\begin{cases} z^1 = f_1(x^1, x^2, \dots, x^N), \\ z^2 = f_2(x^1, x^2, \dots, x^N), \\ \dots, \\ z^\ell = f_\ell(x^1, x^2, \dots, x^N), \end{cases} \quad (2)$$

бу ерда z^1, z^2, \dots, z^ℓ -янги белгилар, x^1, x^2, \dots, x^N -дастлабки белгилар функциялари

кўринишида ифодаланади (одатда бу функция чизиқли) ва бунда $\ell < N$ бўлади.

Иккинчи усулни қуйидаги функциялар орқали ифодалаш мумкин

$$z^i = f_i(x^i); i = \overline{1, N}, \quad (3)$$

$$f(x^i) = \begin{cases} 0, & \text{агар } x^i \text{ белгичикариб юборилса;} \\ 1, & \text{агар } x^i \text{ белгиколдирилса.} \end{cases}$$

Ушбу ҳолда белгиларни янги системаси дастлабки белгилар тўпламининг қисм тўплами сифатида шакллантирилади.

(2) ва (3) кўринишдаги алмаштиришлардан фойдаланишга асосланган усуллар дастлабки белгилар фазоси ўлчамини камайтириш усуллари деб аталади.

Шуни таъкидлаб ўтиш керакки, диссертация ишида дастлабки белгилар фазоси ўлчамини камайтириш масаласини ечишга йўналтирилган усул ва алгоритмлар (3) кўринишидаги алмаштиришга асосланиб ишлаб чиқилган.

Диссертациянинг биринчи боби белгилар фазоси ўлчамини камайтириш муаммосини ечишда фойдаланиладиган эвристик мезонлар ва усуллар таҳлили билан яқунланади. Ушбу натижалар асосида диссертациянинг мақсади ва вазифалари шакллантирилган.

Диссертациянинг **“Белгилар информативлигининг эвристик мезонлари ва уларнинг самарадорлиги”** деб номланган иккинчи бобида белгилар информативлигининг эвристик мезонлари хусусий ва умумий кўринишлари баёни келтирилган. Бундан ташқари Фишер информативлик мезонини тадқиқ қилиш орқали унинг хусусиятлари ва самарадорлигини баҳолаш кўрсатиб берилган.

2.1-параграфда асосий тушунчалар, белгилашлар ва зарурий таърифлар келтирилган.

Фараз қилайлик, $x_{11}, x_{12}, \dots, x_{1m_1}, x_{21}, x_{22}, \dots, x_{2m_2}, \dots, x_{p1}, x_{p2}, \dots, x_{pm_p}$ ўқув танланмаси берилган бўлиб, бунда ҳар бир $x_{p1}, x_{p2}, \dots, x_{pm_p}$ объектлар тўплами маълум бир $X_p, p = \overline{1, r}$ синфга тегишли бўлсин. Ҳар бир x_{pi} -объектнинг белгилари N -ўлчовли сон қийматли вектор кўринишида ифодаланган бўлсин, яъни $x_{pi} = (x_{p1}, x_{p2}, \dots, x_{pm_p})$.

Берилган ўқув танланмалари $x_{p1}, x_{p2}, \dots, x_{pm_p} \in X_p, p = \overline{1, r}$ учун информатив белгилар қисм фазосини бир қийматли характерловчи $\lambda = (\lambda_1, \lambda_2, \dots, \lambda_N), \lambda_i \in \{0, 1\}, i = \overline{1, N}$ векторни киритиб оламиз. Бу ерда x_{pi} - N -ўлчовли белгилар фазоси вектори. λ векторнинг бирга тенг бўлган компоненталарига мос келувчи белгилар ажратиб олинаётган қисм фазода иштирок этишини билдирса, нолга тенг бўлган компоненталари эса унга мос белгиларни ажратиб олинаётган қисм фазода иштирок этмаслигини билдиради.

Белгилар фазоси $\{x = (x^1, x^2, \dots, x^N)\}$ ни Евклид фазоси деб ҳисоблаймиз ва R^N орқали белгилаймиз.

1-таъриф. $R^N|_{\lambda} = \{x|_{\lambda} = (\lambda_1 x^1, \lambda_2 x^2, \dots, \lambda_N x^N)\}$ фазо $R^N = \{x = (x^1, x^2, \dots, x^N)\}$ фазонинг λ бўйича акслантирмаси дейилади.

R^N фазодаги x, y объектлар орасидаги акслантирма масофа сифатида $R^N|_{\lambda}$ фазодаги икки $x|_{\lambda}$ ва $y|_{\lambda}$ объектлар орасидаги $\|x - y\|_{\lambda} = \sqrt{\sum_{i=1}^N \lambda_i (x^i - y^i)^2}$

Евклид масофасини оламыз.

2-таъриф. λ вектор ℓ -информатив дейилади, агарда унинг компоненталари йиғиндиси ℓ га тенг бўлса, яъни $\sum_{i=1}^N \lambda_i = \ell$.

Ҳар бир қисм системадаги λ ℓ -информатив вектор учун унга мос ℓ -ўлчовли белгилар қисм фазоси аниқланган ва бу қисм фазоларда λ мос $\|x\|_{\lambda} = \sqrt{\sum_{j=1}^N \lambda_j (x^j)^2}$ Евклид нормасини киритамиз. X_p синфнинг характерловчи

ўртача объекти \bar{x}_p қуйидагича аниқланади: $\bar{x}_p = \frac{1}{m_p} \sum_{i=1}^{m_p} x_{pi}, p = \overline{1, r}$.

Қуйидаги функцияни киритиб оламыз:

$$S_p(\lambda) = \sqrt{\frac{1}{m_p} \sum_{i=1}^{m_p} \|x_{pi} - \bar{x}_p\|^2}.$$

$S_p(\lambda)$ функция X_p синфдаги λ вектор асосида ажратиб олинган объектларнинг ўртача тарқоқлигини ифодалайди. Информативлик мезони сифатида қуйидаги функционални оламыз:

$$I_1(\lambda) = \frac{\sum_{p,q=1}^r \|\bar{x}_p - \bar{x}_q\|_{\lambda}^2}{\sum_{p=1}^r S_p^2(\lambda)}. \quad (4)$$

(4) функционал Фишер функционалининг содда кўринишини ифодалайди.

$a = (a^1, a^2, \dots, a^N)$ ва $b = (b^1, b^2, \dots, b^N)$ белгилашларни киритиб оламыз, бунда ерда $a^j = \sum_{p,q=1}^r (\bar{x}_p^j - \bar{x}_q^j)^2$, $b^j = \sum_{p=1}^r \frac{1}{m_p} \sum_{i=1}^{m_p} (\bar{x}_{pi}^j - \bar{x}_{qi}^j)^2$, $j = \overline{1, N}$;

У ҳолда (4) функционал (5) кўринишга келади. Бу кўринишдаги мезонни $I(\lambda)$ орқали белгилаб оламыз

$$I(\lambda) = \frac{(a, \lambda)}{(b, \lambda)}, \quad (5)$$

бу ерда $(*, *)$ -векторларнинг скаляр кўпайтмаси.

a^j, b^j коэффициентлар λ га боғлиқ бўлмагани учун олдиндан ҳисоблаб олиш мумкин. $I(\lambda)$ мезонни ҳар бир λ га мос қийматини топиш учун N тартибли амаллар бажариш зарур бўлади.

3-таъриф. $\forall \alpha \in R, (\alpha \neq 0)$ учун $f(\alpha x_1, \alpha x_2, \dots, \alpha x_k) = \alpha^k f(x_1, x_2, \dots, x_k)$ тенглик бажарилса, f k -тартибли бир жинсли функция дейилади.

Мазкур таърифни инобатга олиб, 2.1-параграфда информатив белгилар

фазосини шакллантиришнинг 0-тартибли бир жинсли умумий мезони қуйидагича шакллантирилади:

$$I(\lambda) = \frac{(a, \lambda)^r}{\prod_{j=1}^r (b^{(j)}, \lambda)}; \quad (6)$$

$$I(\lambda) = \prod_{j=1}^r \frac{(a^{(j)}, \lambda)}{(b^{(j)}, \lambda)}. \quad (7)$$

(6) ва (7) мезонлардан таснифланаётган синфлар сони икки ёки ундан кўп бўлган ҳолларда фойдаланилса мақсадга мувофиқ бўлади. Бундай мезонлардан ташқари k -тартибли бир жинсли ва бир жинсли бўлмаган мезонлар ҳам мавжуд. Ушбу мезонлар кам тадқиқ этилганлиги боис, ҳозирги кунда бундай мезонлар асосида информатив белгилар мажмуасини аниқлашнинг усул ва алгоритмлари ишлаб чиқилмаган.

Юқорида келтирилган белгилаш ва тушунчалардан фойдаланган ҳолда, қуйидаги кўринишда берилган мезонни кўриб чиқамиз:

$$I(\lambda) = \frac{(a, \lambda)}{(b, \lambda)(c, \lambda)}. \quad (8)$$

бу ерда c қандайдир ташқи таъсир қилувчи омиллар вектори. Масалан, мазкур векторнинг ҳар бир компонентаси белгиларни ўлчаш учун талаб қилинадиган воситаларни ифодаланиши мумкин.

(8) функционал Фишер типдаги функционални “-1”-тартибли бир жинсли мезон кўринишини ифодалайди. Информатив белгиларни танлашда (8) функционалнинг максимизация масаласи ечилади.

Агар синфлар сони учта ($r=3$) деб олсак, у ҳолда қуйидаги кўринишдаги функционалга эга бўламиз:

$$I(\lambda) = \frac{(a, \lambda)}{(b, \lambda)(c, \lambda)(d, \lambda)}. \quad (9)$$

Умумий ҳолда эса k -тартибли бир жинсли мезонни қуйидаги икки кўринишда ифодалаш мумкин:

$$I(\lambda) = \frac{\prod_{j=1}^r (a^{(j)}, \lambda)}{(b, \lambda)}, \quad (10)$$

$$I(\lambda) = \frac{(a, \lambda)}{\prod_{i=1}^r (b^{(i)}, \lambda)}. \quad (11)$$

(10) мусбат даражали k -тартибли бир жинсли мезон, (11) эса манфий даражали k -тартибли бир жинсли мезондир. k -тартибли бир жинсли мезоннинг умумий кўриниши қуйидагича бўлади:

$$I(\lambda) = \frac{\prod_{j=1}^t (a^{(j)}, \lambda)}{\prod_{i=1}^h (b^{(i)}, \lambda)}, (t, h \in N). \quad (12)$$

Шуни алоҳида таъкидлаб ўтиш жоизки, k -тартибли бир жинсли мезонлар ҳар бир синф ички жойлашуви қонуниятларини алоҳида эътиборга

олиши ва синфлараро масофаларни ўзгартирмаслиги билан 0-тартибли бир жинсли мезонлардан устун ҳисобланади.

Бир жинсли мезонлардан ташқари амалий масалаларни ечишда бир жинсли бўлмаган мезонлардан ҳам фойдаланилади, масалан,

$$I(\lambda) = \frac{(a, \lambda)}{(b, \lambda)} + \frac{(a^*, \lambda)}{(b^*, \lambda)(c^*, \lambda)}. \quad (13)$$

(13) мезон 0-тартибли бир жинсли ва k -тартибли бир жинсли мезонларни йиғиндилари кўринишида эканлигини пайқаш қийин эмас.

Умумий ҳолда Фишер типигаги бир жинсли бўлмаган мезонлар (6)-(8), (10)-(12) мезонларнинг комбинацияларидан ташкил топади.

Диссертация ишининг 2.2-параграфида (5) функционал кўринишида берилган информативлик мезонларининг айрим хусусиятлари келтирилган.

Λ^ℓ -тўпдам барча ℓ -информатив векторлар тўплари бўлсин. ℓ -информатив вектор таърифига кўра, Λ^ℓ тўпдамнинг қуввати C_N^ℓ га тенг.

Қуйидаги функцияни киритиб оламиз

$$F(\ell) = \max_{\lambda \in \Lambda^\ell} I(\lambda). \quad (14)$$

Берилган ℓ да $I(\lambda_\ell) = \max_{\lambda \in \Lambda^\ell} I(\lambda)$ тенглик ўринли бўладиган $\lambda_\ell \in \Lambda^\ell$ ℓ -информатив вектор топилсин ва $F(\ell)$ функциянинг аналитик ифодаси аниқлансин.

Ушбу масалани ечиш келтирилган 1-6-леммалар, шунингдек қуйидаги теоремалар орқали амалга оширилади.

Ҳақиқий a, b ва $c \geq 0, d > 0$ ($a+c \geq 0, b+d > 0$) сонлар берилган бўлсин. У ҳолда қуйидаги леммалардан бири ўринли бўлади:

1-лемма. Агар $\begin{cases} a > 0 \\ b > 0 \end{cases}$ ва $\frac{c}{d} > \frac{a}{b}$ бўлса, у ҳолда $\frac{a}{b} < \frac{a+c}{b+d} < \frac{c}{d}$ муносабат ўринли.

2-лемма. Агар $\begin{cases} a > 0 \\ b > 0 \end{cases}$ ва $\frac{c}{d} < \frac{a}{b}$ бўлса, у ҳолда $\frac{a}{b} > \frac{a+c}{b+d} > \frac{c}{d}$ муносабат ўринли.

3-лемма. Агар $\begin{cases} a < 0 \\ b < 0 \end{cases}$ ва $\frac{c}{d} < \frac{a}{b}$ бўлса, у ҳолда $\frac{a}{b} > \frac{a+c}{b+d} < \frac{c}{d}$ муносабат ўринли.

4-лемма. Агар $\begin{cases} a < 0 \\ b < 0 \end{cases}$ ва $\frac{c}{d} > \frac{a}{b}$ бўлса, у ҳолда $\frac{a}{b} < \frac{a+c}{b+d} > \frac{c}{d}$ муносабат ўринли.

5-лемма. Агар $\begin{cases} a \geq 0 \\ b \leq 0 \end{cases}$ бўлса, у ҳолда $\frac{a+c}{b+d} \geq \frac{c}{d}$ муносабат ўринли.

6-лемма. Агар $\begin{cases} a \leq 0 \\ b \geq 0 \end{cases}$ бўлса, у ҳолда $\frac{a+c}{b+d} \leq \frac{c}{d}$ муносабат ўринли.

1-теорема. $\forall \ell (\ell > 0)$ учун $\max \{I(\lambda) : \lambda \in \Lambda^\ell\} = \frac{a^1 + \sum_{k=1}^{\ell-1} a^{j_k}}{b^1 + \sum_{k=1}^{\ell-1} b^{j_k}}$ бўлади.

(14) функция учун қуйидаги теорема ўринли.

2-теорема. $F(\ell)$ функция қиймати ℓ аргумент ортганда ўсмайди.

Фишер типигаги (5) информативлик мезонлари хоссаларини тадқиқи олинган натижаларни информатив белгилар тўпламини танлаш усулини

яратишда фойдаланиш мумкин.

Диссертациянинг “Белгилар информативлигининг эвристик мезонлари асосида объектларни информатив тавсифлаш усуллари” деб номланган учинчи бобида тимсолларни таниб олиш масаласининг информатив белгилар мажмуасини аниқлаш усул ва алгоритмлари таклиф этилган.

3.1-параграфда (5) функционал кўринишидаги информативлик мезони асосида информатив белгилар мажмуасини аниқлашнинг регуляр, рекуррент, қисмий танлов, тартиблаш ва "Дельта" усуллари таклиф этилган. Бунда информатив белгилар мажмуасини аниқлашнинг оптимизацион масаласи куйидагича:

$$\begin{cases} I(\lambda) \rightarrow \max; \\ \lambda \in \Lambda^\ell, \end{cases} \quad (15)$$

бу ерда Λ^ℓ -тўплам барча ℓ -информатив белгилар тўплами.

Регуляр усулида ушбу масалани ечиш учун куйидаги вектор-функциядан фойдаланилган:

$$\varphi(\lambda) = a(b, \lambda) - b(a, \lambda), \quad (16)$$

бу вектор-функция $I(\lambda)$ функциянинг λ нуқтага нисбатан тезкор ўсиш йўналишини кўрсатиб беради. Мазкур усул куйидаги икки теорема ва хоссага асосланган.

Фараз қилайлик $\lambda \in \Lambda^\ell$ вектор танлаган бўлсин. $\forall \mu \in \Lambda^\ell$ вектор учун куйидаги теорема ўринли.

3-теорема. $I(\lambda) > I(\mu)$ бўлиши учун $(\varphi(\lambda), \mu) > 0$ шартни қаноатлантирувчи μ векторнинг мавжуд бўлмаслиги зарур ва етарли.

1-хосса. $\forall \lambda (\lambda \in \Lambda^\ell)$ учун $(\varphi(\lambda), \mu(\lambda)) \geq 0$ тенгсизлик ўринли.

3-теорема ва 1-хоссадан $I(\lambda) \leq I(\mu(\lambda))$ эканлиги келиб чиқади.

4-теорема. Агар $I(\lambda) = I(\mu(\lambda))$ бўлса, у ҳолда $I(\lambda) = \max\{I(\eta) | \eta \in \Lambda^\ell\}$ бўлади.

Олинган ечим оптималлигини мазкур теорема таъминлаб беради, яъни $I(\lambda)$ функционал Λ^ℓ тўпламининг λ элементида ўзининг максимумига эришади.

Регуляр усули 3- ва 4-теоремаларга асосланган бўлиб, у (5) функционални максималлаштиришга итератив процедура шаклида жорий этилган. Дастлабки кадамда ихтиёрий ℓ -информатив λ вектор олинади.

Масалан, $\lambda = (\overbrace{1, 1, \dots, 1}^{\ell}, 0, 0, \dots, 0)$. Кейинги ҳар бир кадамда янги вектор λ олдингисига $\mu(\lambda)$ операторни кўллаш орқали ҳосил қилинади, яъни $\lambda = \mu(\lambda)$. Итерацион жараён $I(\lambda)$ функционал ўсишдан тўхтагунича давом этади. Агар ўсиш жараёни тўхтаса, яъни $I(\lambda) = I(\mu(\lambda))$ шарт бажарилса, у ҳолда λ -оптимал ечим. Одатда 3-4 кадамда оптимал ечим олишга эришилади.

Таклиф этилган қисмий танлов усулининг мақсади $I(\lambda)$ функционални максимумга эриштирувчи λ ℓ -информатив векторни топишдан иборат. Бунда берилган $\ell \geq 2$ учун $I(\lambda)$ функционалнинг ҳисоблашлар сони куйидагига тенг:

$$\frac{\ell \prod_{i=1}^{\ell-1} (N - \ell + i)}{\ell!}.$$

Тадқиқот ишида таклиф этилган информатив белгилар мажмуасини аниқлашнинг тартибланиш усули (15) масалани ечишнинг ғояси қуйидагича.

Фараз қилайлик, a ва b векторлар компоненталарига нисбатан мос равишда қуйидагича тартибланган бўлсин:

$$\frac{a_1}{b_1} \geq \frac{a_2}{b_2} \geq \dots \geq \frac{a_N}{b_N}. \quad (17)$$

У ҳолда $\lambda = (\underbrace{1,1,\dots,1}_{lma}, \underbrace{0,0,\dots,0}_{N-lma})$ вектор тартибланиш усули натижасига кўра

(15) масаланинг оптимал ечими ҳисобланади. Бироқ тартибланиш усули ҳар доим ҳам Фишер мезонига нисбатан оптимал ечимни таъминламайди. Масалан, $a = (5,10,10,1)$, $b = (1,50,50,19)$ ва $N = 4$, $\ell = 2$ бўлганда оптимал ечим $\lambda = (1,1,0,0)$ вектор бўлмай, балки $\lambda = (1,0,0,1)$ вектордир.

Қуйида тартибланиш усули (15) масаланинг оптимал ечимини берувчи шартлари келтирилган.

Қуйидаги белгиланишларни киритайлик:

$$A = \sum_{i=1}^l a_i, B = \sum_{i=1}^l b_i, \begin{cases} \Delta a_{ij} = a_j - a_i \\ \Delta b_{ij} = b_j - b_i, i = \overline{1, l}, j = \overline{l+1, N} \end{cases}, \lambda^0 = \left(\underbrace{1,1,\dots,1}_{lma}, \underbrace{0,0,\dots,0}_{N-lma} \right).$$

Юқорида келтирилган леммаларда $a = \Delta a_{ij}$, $b = \Delta b_{ij}$, $c = A$, $d = B$ деб олсак,

у ҳолда $\forall i, j (i = \overline{1, \ell}, j = \overline{\ell+1, N})$ лар учун $\begin{cases} A + \Delta a_{ij} \geq 0, \\ B + \Delta b_{ij} > 0 \end{cases}$ бўлиб, 1-6-леммалардан

бири ўринли бўлади.

5-теорема. Тартибланган (17) кетма-кетлик ёрдамида танлаб олинган $\lambda^0 = (\underbrace{1,1,\dots,1}_{lma}, \underbrace{0,0,\dots,0}_{N-lma})$ вектор (15) масаланинг оптимал ечим бўлиши учун 2- ва 4-леммалар шартларини қаноатлантирувчи $a = \Delta a_{ij}$, $b = \Delta b_{ij}$ ларнинг мавжуд бўлмаслиги зарур ва етарли.

Тартибланиш усули асосида ишлаб чиқилган «Дельта» усули қуйидагича амалга оширилади.

Фараз қилайлик, $\lambda = (\underbrace{1,1,\dots,1}_{lma}, \underbrace{0,0,\dots,0}_{N-lma})$ вектор тартибланиш усули орқали

олинган ечим ва у (15) масаланинг оптимал ечими бўлмасин. У ҳолда (15) масаланинг оптимал ечимини аниқлаш учун 2- ва 4-леммалар асосида алмаштиришлар бажарилади. Алмаштириш жараёни 2- ва 4-леммалар шартларини қаноатлантирувчи Δa_{ij} ва Δb_{ij} мавжуд бўлмаслик шarti бажарилмагунча давом эттирилади. Агар Δa_{ij} ва Δb_{ij} 2- ва 4-леммалар шартларини қаноатлантирувчи Δa_{ij} ва Δb_{ij} қолмаса, 5-теорема натижасига кўра ҳосил қилинган ечим оптимал.

Кўп ҳолларда дастлаб танлаб олинган λ вектор (15) масаланинг оптимал ечимини таъминлайди, шунинг учун қуйида келтириладиган теорема масаланинг қачон оптимал ечим эканлигини аниқлаш имкони

беради.

$\forall \lambda \in \Lambda^l$ танланган бўлсин.

6-теорема. Танланган λ вектор (15) масаланинг оптимал ечими бўлиши учун 2-, 4- ва 5-лемма шартларини қаноатлантирувчи $a = \Delta a_{ij}$ ва $b = \Delta b_{ij}$ ($i = \overline{1, l}, j = \overline{l+1, N}$) ларнинг мавжуд бўлмаслиги зарур ва етарли.

«Дельта» усулида функционалнинг қиймати ва λ векторнинг компоненталари тартиблаш усулидаги каби шакллантирилади.

Диссертация ишининг 3.2-параграфиди (15) масаланинг (6) функционал кўринишида берилган мезон асосида ечими кўриб чиқилган.

Дастлаб λ векторни $\lambda^0 = (\underbrace{1, 1, \dots, 1}_{\ell \text{ ма}}, \underbrace{0, 0, \dots, 0}_{N-\ell \text{ ма}})$ кўринишида оламиз ва қуйидаги

белгилашларни киритамиз:

$$A = \sum_{i=1}^l a_i, \quad B_j = \sum_{i=1}^l b_i^j, \quad j = \overline{1, r},$$

шунингдек, ёрдамчи C векторни киритиб оламиз ва унинг компоненталари

$$c_i = \frac{a_i}{A} - \sum_{j=1}^r \frac{b_i^{(j)}}{B_j} \text{ формула орқали ҳисобланади.}$$

$\forall \mu \in \Lambda^\ell$ ва λ^0 вектор асосида шакллантирилган C векторлар берилган бўлсин.

7-теорема. Танлаб олинган λ вектор (15) масаланинг оптимал ечими бўлиши учун $(C, \mu) > 0$ шартни қаноатлантирувчи μ векторнинг мавжуд бўлмаслиги зарур ва етарли.

Ушбу теоремага асосланган усул диссертация ишида “Градиент-1” деб номланади ва бунда μ вектор регуляр усулидаги каби шакллантирилади.

Фараз қилайлик, (8) мезон берилган бўлсин. У «-1» тартибли бир жинсли мезон бўлиб, унга мос (15) масалани кўрайлик.

Қуйидаги белгилашларни киритайлик:

$$A = \sum_{i=1}^l a_i, \quad B = \sum_{i=1}^l b_i, \quad C = \sum_{i=1}^l c_i, \quad \begin{cases} \Delta a_{ij} = a_j - a_i, \\ \Delta b_{ij} = b_j - b_i, i = \overline{1, l}, j = \overline{l+1, N}. \end{cases}$$

$\forall a, b, c$ ва $d, e, f > 0$ ($b+e > 0, c+f > 0$) ҳақиқий сонлар учун қуйидаги

леммалар ўринли:

7-лемма. Агар $\frac{a}{d} \geq \frac{b}{e} + \frac{c}{f} + \frac{bc}{ef}$ бўлса, у ҳолда $\frac{d}{ef} \leq \frac{d+a}{(b+e)(c+f)}$ бўлади.

8-лемма. Агар $\frac{a}{d} < \frac{b}{e} + \frac{c}{f} + \frac{bc}{ef}$ бўлса, у ҳолда $\frac{d}{ef} > \frac{d+a}{(b+e)(c+f)}$ бўлади.

Фараз қилайлик, $\forall \lambda \in \Lambda^\ell$ танланган бўлсин.

8-теорема. Танланган λ вектор (15) масаланинг оптимал ечими бўлиши учун 7-лемма шартларини қаноатлантирувчи $a = \Delta a_{ij}, b = \Delta b_{ij}$ ва $c = \Delta c_{ij}$ ($i = \overline{1, l}, j = \overline{l+1, N}$) ларнинг мавжуд бўлмаслиги зарур ва етарли.

Мазкур усулда функционалнинг қиймати ва λ векторнинг компоненталари тартиблаш усулидаги каби шакллантирилади.

Бундан ташқари, диссертация ишининг 3.2-параграфиди (10) кўринишдаги мусбат тартибли умумий мезон асосида информатив белгиларни ажратишнинг (15) масаласи кўриб чиқилган.

Ҳисоблашларни соддалаштириш мақсадида қуйидаги белгилашларни киритиб оламиз:

$$A^{(j)} = (a^{(j)}, \lambda), B = (b, \lambda), j = \overline{1, r}, A_1^{(j)} = (a^{(j)}, \mu), B_1 = (b, \mu).$$

шунингдек, (15) масалани ечиш учун $C = (c_1, c_2, \dots, c_N)$ оптимал ечимга йўналтирувчи векторни киритиб оламиз ва уни компоненталари

$$c_i = \frac{\sum_{t=1}^r a_i^{(t)}}{w^{r-1}} - I_\lambda b_i, i = \overline{1, N} \text{ формула орқали аниқланади:}$$

Фараз қилайлик, $\lambda, \mu \in \mathbb{R}^l$ - информатив вектор ва $b_i > 0, i = \overline{1, N}$ бўлсин. У ҳолда $I(\lambda), I(\mu)$ ва шакллантирилган C вектор учун қуйидаги теорема ўринли.

9-теорема. $I(\lambda) < I(\mu)$ бўлиши учун $(C, \mu) > 0$ бўлиши етарли.

9-теоремага асосланган усул "Градиент-2" деб номланади. Ушбу усулда μ вектор регуляр усулидаги каби шакллантирилади. Бунда мазкур усулдан манфий $1-r$ даражали бир жинсли мезонлар асосида информатив белгилар тўпламини аниқлашда фойдаланиш мумкин.

Функционал (11) Фишер типидagi манфий даражали $k (k \leq 0)$ бир жинсли мезоннинг умумий кўринишининг ифодалайди.

(15) масалани ечиш учун $C = (c_1, c_2, \dots, c_N)$ градиент векторни киритиб оламиз. Бу вектор компонентлари $c_i = \frac{a_i}{w^{r-1}} - I_\lambda \sum_{j=1}^r b_i^{(j)}, i = \overline{1, N}$ формула ёрдамида аниқланади. $C = (c_1, c_2, \dots, c_N)$ вектор учун 9-теорема ўринли.

Фишер типидagi мезонлар комбинацияларидан ташкил топган мезонлар асосида информатив белгилар фазосини шакллантириш усули бу мезонларга мос йўналтирувчи векторлар комбинациялари асосида шакллантирилади. Бир жинсли бўлмаган мезонларнинг комбинациясидан ташкил топган C вектор учун 9-теоремалар ўринли эканлиги диссертация ишида кўрсатилган.

Диссертациянинг **“Ноинформатив белгилар мажмуасини аниқлаш усуллари”** деб номланган тўртинчи бобиди таклиф этилган эвристик информативлик мезонлари асосида ноинформатив ва кам информатив белгилар мажмуасини аниқлаш усуллари баён этилган.

$R^N \setminus \Lambda^\ell$ тўплам ноинформатив белгилар тўплами деб аталади ва уни \aleph орқали белгиланади, яъни $\aleph = R^N \setminus \Lambda^\ell$. Бунда бошланғич белгилар фазоси белгилар фазоси $\{\Lambda^\ell, \aleph\}$ кўринишда ифодаланади, яъни $R^N = \Lambda^\ell \cup \aleph$.

Ҳозирги кунда мавжуд усулларнинг катта қисми информатив белгиларни аниқлашга йўналтирилган, бироқ ноинформатив белгиларни чиқариш орқали информатив белгиларни аниқловчи усуллар ҳам мавжуд.

Фараз қилайлик, Λ^ℓ информатив белгиларни аниқлаш усулларида олинган информатив белгилар тўплами ва \aleph эса ноинформатив белгиларни аниқлаш усулларида олинган ноинформатив белгилар тўплами бўлсин. У ҳолда:

1. Агар $\Lambda^\ell \cap \aleph = \emptyset$ бўлса, у ҳолда $\Lambda^\ell \cup \aleph = R^N$ бўлиб, $\dim(\Lambda^\ell) + \dim(\aleph) = N$ бўлади.

2. Агар $K = \Lambda^\ell \cap \aleph \neq \emptyset$ бўлса, у ҳолда $\Lambda^\ell \cup \aleph \subset R^N$ бўлиб, $\Lambda^\ell \setminus K$ информатив белгилар тўплами, $\aleph \setminus K$ ноинформатив белгилар тўплами, K эса кам информатив белгилар тўплами дейилади. Бунда $\dim(\Lambda^\ell) + \dim(\aleph) > N$ бўлиб, $\dim(\Lambda^\ell \setminus K) + \dim(\aleph \setminus K) + \dim(K) = N$ бўлади ва бошланғич белгилар фазоси белгилар фазоси $\{\Lambda^\ell, K, \aleph\}$ кўринишда ифодаланади, яъни $R^N = \Lambda^\ell \cup K \cup \aleph$.

Диссертация ишида таклиф этилган ноинформатив белгилар мажмуасини аниқлаш усуллари 3.1-параграфда келтирилган информатив белгилар мажмуасини аниқлаш усуллари модификацияси ҳисобланади.

Ноинформатив белгилар мажмуасини аниқлашнинг таклиф этилаётган модификацион регуляр усули (5) кўринишга келтириш мумкин бўлган информативлик мезонларига асосланиб ва ҳал этилиши лозим бўлган масала қуйидагича шакллантирилади

$$\begin{cases} I(\lambda) \rightarrow \min; \\ \eta \in \aleph^\wp, \end{cases} \quad (18)$$

бу ерда \aleph^\wp - \wp -ноинформатив барча белгилар тўплами.

(18) масалани ечиш учун η нуктада $I(\eta)$ функционални тезкор камайиш йўналишини кўрсатиб берувчи қуйидаги вектор функцияни киритамиз: $\varphi(\eta) = a(b, \eta) - b(a, \eta)$,

10-теорема. $I(\eta) < I(\mu)$ бўлиши учун $(\varphi(\eta), \mu) < 0$ шартни қаноатлантирувчи μ \wp -ноинформатив векторнинг мавжуд бўлмаслиги бўлиши зарур ва етарли.

μ оператор (келтириш)ни киритиб оламиз: $\mu: \aleph^\wp \rightarrow \aleph^\wp$, бунда $(\varphi(\eta), \mu(\eta)) = \min_{\vartheta \in \aleph^\wp} (\varphi(\eta), \vartheta)$.

